

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 7, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 7, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2024

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайкулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдйбоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнура Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети


Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

1. Nodira Babadjanova O‘ZBEKISTON MILLIY TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHIDA IJTIMOYIY BARQARORLIK VA MAMLAKAT TARAQQIYOTINI TA’MINLASHDA MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG‘RIKENGLIK – MUHIM OMIL.....	5
2. Laylo Begimqulova TEMURIY MALIKALARNING KELIB CHIQISHIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR (Saroy Mulk xonim va Xadicha begim misolida).....	13
3. Abduvali Berdiyev O‘ZBEK XONLIKLARINING ERON, AFG‘ONISTON, TURKIYA VA HINDISTON DAVLATLARI BILAN O‘ZARO ELCHILIK ALOQALARI VA UNDAN KO‘ZLANGAN IQTISODIY - SIYOSIY MAQSADLAR.....	18
4. Alisher Jalilov SIYOSIY ELITANING TURKISTONNI MILLIY-HUDUDIY CHEGARALANISHIGA MUNOSABATI VA O‘ZBEKISTON SSRning TASHKIL TOPISHI.....	27
5. Баҳром Джалолов СОВЕТ ХУКУМАТИНИНГ БОЛАЛАРНИ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	33
6. Sherzod Djurakulov САМАРҚАНД МУЗОФОТИНИНГ ЮҚОРИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	39
7. Саховат Захидова ХОЖАГОНИЙЯ-НАҚШБАНДИЙЯ ТАРИҚАТИ “ҲИМОЙАТ” ТИЗИМИНИНГ СЎНГГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИДАГИ ЎРНИ.....	44
8. Икрамжон Исмаилов ЎЗБЕКISTОН ЁШЛАРИНИ ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ.....	49
9. Энажон Нишанбаева ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА).....	57
10. Жамшид Пиримкулов ТОШКЕНТЛИК АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАМОЁНДАЛАРИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	63
11. Gulxayo Xasanboyeva O‘ZBEKISTON QISHLOQ XO‘JALIGINING RIVOJLANISHI, TARMOQDAGI ISLOHOTLAR.....	69
12. Рашид Холмуродов TARIXCHILAR TOMONIDAN O‘LKAMIZ ETNOGRAFIYASI VA ETNIK TARIXINING O‘RGANILISHI.....	73



ISSN: 2181-9599

www.tadqiqot.uz

Жамшид Пиримкулов,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Тошкент филиали бўлим мудири

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**ТОШКЕНТЛИК АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАМОЁНДАЛАРИ
(XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

For citation: Jamshid Pirimkulov. LITERARY AND ART HISTORIANS TASHKENT (SECOND HALF OF THE 19TH - LATE 20TH CENTURY). Look to the past. 2024, vol. 7, issue 12, pp.63-68

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14497535>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрида яшаб ижод қилган маърифатпарварларнинг илмий-маънавий фаолияти, авлодларни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш борасидаги ислохотлари тадқиқ қилинган. Бундан ташқари, миллий тараққийпарварлар томонидан илгари сурилган дастлабки ўзбек алифбоси ҳақидаги илмий баҳс ва мунозалар ҳам мақоладан ўрин олган. Улар томонидан илгари сурилган, жамият тараққиёти ва маънавий қиёфасини юксалтиришга қаратилган илғор ғоялари бугунги кун учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: жадид, жамияти хайрия, дарслик, рисола, матбуот, драматургия, театр ва б.

Джамшид Пиримкулов,

Руководитель Ташкентского филиала

Государственного музея истории Узбекистана

Доктор философии по истории (PhD)

**ИСТОРИКИ ЛИТЕРАТУРЫ И ИСКУССТВА ТАШКЕНТА
(ВТОРАЯ ПОЛОВИНА 19-ГО - КОНЕЦ 20-ГО ВЕКА)****АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается научная и духовная деятельность просветителей Ташкента в конце XIX - начале XX века, и их реформы в воспитании поколений в духе своих традиций. Кроме того, в статью включены научные дискуссии о первом узбекском алфавите, выдвинутые джадидами. Эти передовые идеи, направленные на улучшение общественного развития и духовного облика, имеют большое значение и сегодня.

Ключевые слова: джадид, общество благотворение, учебник, брошюра, периодическая печать, драматургия, театр и т.д.

Jamshid Pirimkulov,
Head of the Tashkent branch
History of the State Museum of Uzbekistan
Doctor of Philosophy and History (PhD)

LITERARY AND ART HISTORIANS TASHKENT (SECOND HALF OF THE 19TH - LATE 20TH CENTURY)

ABSTRACT

The article examines the scientific and spiritual activities of Tashkent enlighteners in the late 19th - early 20th centuries, and their reforms in educating generations in the spirit of their traditions. In addition, the article includes scientific discussions about the first Uzbek alphabet put forward by the Jadids. The advanced ideas they put forward, aimed at improving social development and spiritual appearance, are of great importance today.

Index Terms: jadid, charity society, tutorial book, brochure, periodical, dramaturgy, theater, etc.

1. Долзарблиги:

Россия империяси бошқаруви даврида Туркистон ўлкасида маҳаллий аҳоли орасида диний ва дунёвий илмлар билан бир қаторда адабиёт ва санъат соҳалари ҳам ўзига хос тарзда шаклланди ва ривожланди. Бевосита ўлка маркази – Тошкент шаҳрида ушбу жараёнлар жадал тус олди. Хусусан, маҳаллий тараққийпарварлар сифатида ўлка тарихидан ўрин олган жадид намоёндалари бир тарафдан халқни маърифатга етаклаш мақсадида янги усул мактаблари ташкил этиш билан чекланмай, маҳаллий даврий матбуотни шакллантиришда жонбозлик кўрсатдилар. Бунда улар жамиятдаги асл воқеъликни авом халққа кўрсатиш учун назмдан ташқари наср усулидан ҳам фойдаланганликларини кузатиш мумкин.

1. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотда қиёсий, динамик ҳамда герменевтик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос таснифи бўлиб, у бевосита халқ ҳаракатлари, буюк алломалар, давлат ва сиёсат арбоблари фаолияти билан боғлиқ. Ўрганилаётган тарихий босқичда ҳам Туркистон минтақасида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларга илм-маърифатли зиёлиларнинг муносабати, уларнинг мустамлакачилик зулмига қарши кураш усуллари таҳлилига бағиланган кўплаб изланишлар мавжуд.

Бу изланишларни шартли равишда совет ва мустақиллик даври тадқиқотларига ажратиш мумкин. Совет даври тадқиқотларига Ҳ. Ғозиев, Б.Қосимов каби олимлар илмий ишланмаларини қайд этсак, мустақиллик даври учун Ҳ. Зиёев, Д. Алимова, У. Долимов сингари йирик мутахассисларни эътироф этиш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир жадид намоёндаси фаолияти билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда.

2. Тадқиқот натижалари:

Тошкентда фаолият олиб борган жадид намоёндалари қаторида А.Авлоний мероси диққатга сазовор. Унинг “Ҳижрон” таҳаллуси билан 1904-1905 йилларда даврий матбуот саҳифаларида эълон қилган шеърларида маҳаллий аҳолини илм-фан ва маърифатга чорлаш асосий ғоя бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, у 1907 йилда “Шуҳрат”, 1914 йилда “Жоҳил тилиндан”, “Муҳораба натижаси”, 1917 йилда “Хуррият шарафина” сингари шеърларини матбуотда эълон қилган. Улар орқали муаллиф империя ҳукуматининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсатини очиб беришга ҳаракат қилган.

Муаллиф бу борадаги фаолиятини Туркистонда хусусий газеталар ташкил этиш жараёни билан узвий давом эттирган. Жумладан, у 1907 йилда ўз ҳовлисида “Шуҳрат” газетасини босишни йўлга қўйди. Аммо, газетанинг 10 та сони чикқач, империя ҳукумати томонидан тўхтатилиб, таҳририят асбобанжомлари, қоғозлари мусодара қилинган. Лекин А.Авлоний бу борадаги ишларни сушлаштирамаслик мақсадида А.Бектемиров номига «Осиё»

номли газетани рўйхатдан ўтказишга мушарраф бўлган. Бу ўзбек миллий матбуотининг дастлабки намуналаридан эди.

Шунингдек, А.Авлоний тарбиявий аҳамиятга эга рисоалар ҳам ёзган бўлиб, жумладан унинг 1913 йилда чоп этилган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, 1917 йилда нашр қилинган “Мактаб гулистони” асарлари [4] Марказий Осиёда шаклланган анъанавий тарбия усулига оид Юсуф Хос Хожибнинг “Кутадғу билиг”, Н. Хусравийнинг “Саодатнома”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, А. Жомийнинг “Баҳористон”, А. Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, А. Донишнинг “Фарзандларга васият” каби дурдона асарлар қаторидан ўрин олган [5].

А. Авлоний 1909-1916 йиллар давомида «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» деб номланган 6 қисмдан иборат адабиёт дарслиги устида тадқиқот олиб борган [6]. Ушбу дарсликнинг аҳамиятли жихати бошланғич таълим ўқувчилари учун содда ва раво тилда ёзилганлигида эди.

А.Авлоний драматургия соҳасида ҳам ижод қилган бўлиб, унинг ташаббуси билан Туркистонда “Турон” номли илк театр труппаси ташкил қилган [7]. Ушбу труппа томонидан А. Авлоний қаламига мансуб “Адвокатлик осонми?” (1914), “Пинак” (1915) каби пьесалари халқ эътиборига хавола қилинган. Шунингдек, А. Авлоний таржимонлик соҳасида ҳам ижод қилган бўлиб, унинг татар ва озарбайжон тилларидан ўзбек тилига таржима қилган “Қотили Карима”, “Ўй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оиласи”, “Бадбахт келин”, “Хур-хур”, “Жаҳолат”, “Ўликлар” каби сахна асарлари Туркистонда драматургиянинг вужудга келиши учун тамал тоши вазифасини бажарди.

Шунингдек, бу даврда адабиёт намоёндаларидан Абдулла Қодирий шахси ҳам эътибор марказида бўланлигини эътироф этиш лозим. Унинг “Садои Туркистон”, “Самарқанд”, “Ойна” каби газета ва журналларда чоп этган ижтимоий-иқтисодий масалаларга бағишланган мақолалари диққатга сазовор. Хусусан, муаллифнинг 1914-1915 йилларда нашр қилинган “Тўй”, “Фикр айлагил”, “Аҳволимиз”, “Миллатимга” каби шеърларида, “Бахтсиз куёв”, “Хеч ким билмасин” каби сахна асарларида, “Жувонбоз”, “Улоқда” сингари ҳикояларида халқнинг саводи, билими ва маърифати каби масалалар кескин танқид қилинган.

Бундан ташқари, “Тавалло” тахаллуси билан ижод қилган тошкентлик Тўлаган Хўжамёров шеърларида ҳам Россия империяси Туркистонда олиб борган сиёсати, маҳаллий аҳолининг жабр ва зулум остидаги ҳаёти акс этган. Шоирнинг “Равнақ ул-ислом” номи билан чоп этилган ягона шеърини тўплами бизга маълум бўлиб, унинг таркибидан 70 га яқин шеърлар ўрин олган. Ушбу тўплам 1916 йилда илк бор, 1993 йилда эса қайта нашр қилинган. Бундан ташқари, Таваллонинг мазкур тўпламидан 1997-1998 йилларда Германиянинг Бумберг университети туркология бўлими дарслик сифатида фойдаланганлиги, асарнинг қийматини кўрсатиши шубҳасиз. Мазкур тўпладан муаллифнинг “Ўз виждон вужудима хитоб”, “Қаламга хитоб”, “Томошабоғ хусусида” “Ёврополилар хунари бирлан бизларни(нг) хунарларимизнинг фарқи”, “Уёнмаз эрса миллат”, “Халқга фойдаси тегмаганлар ҳақида”, “Жаҳон айвонида...”, “Суюкли Ватан ҳақида” каби шеърлари ўрин олган бўлиб, улар орқали шоир ўқувчини маърифатга, миллий озоликка чорлайди.

Бундан ташқари, шоир у билан замондош татар, озарбайжон, турк адиблари фаолияти билан таниш эканлигини ўз шеърларида намоён қилган. Хусусан, Тавалло 1913 йилда матбуотда эълон қилган «Тотор қардошларимизнинг машҳур шоири марҳум Абдулла Афанди Тўқаевнинг шеърина тазмин» номли асари татар шоири А.Тўқайнинг вафотига бағишланган бўлиб, шоир ушбу асарни А.Тўқайнинг “Жумла фикрим кеча-кундуз Сизга оид миллатим” шеърига мухаммас шаклида баён қилган.

Шунингдек, Тавалло жаҳид мутафаккирлари билан ҳам яқин алоқада бўлган. Жумладан, у 1914 йилда жаҳидлар томонидан ташкил этилган “Нашриёт” ширкати фаолиятида, 1915 йилда тузилган “Турон” жамиятида жонбозлик кўрсатган.

XIX асрда Туркистонда фаолият олиб борган тошкентлик маърифатпарварлардан яна бири қори Фазлуллоҳ Миржалол ўғли бўлиб, у “Алмай” тахаллуси билан ижод қилган.

Алмаий ижодининг бошқа тараққийпарварлардан фарқли тарафи, унинг уч тилни (араб, форс ва туркий) мукаммал билганида эди. У дастлаб таълимни Тошкентдаги “Мўйи Муборак” мадрасасида, сўнгра Бухорода давом эттирган. Мадраса таълими асосида форс, араб, туркий тилларни ўзлаштириш билан бир қаторда фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ, тиб, мусиқа, хаттотлик каби ўнлаб билимларга эга бўлган адиб 1967 йилда Тошкентдаги Шукурхон мадрасасига мударрис сифатида хизматга кирган. Кескин фикрлаши туфайли, маҳаллий диний уламолар билан кўплаб ихтилофга боргач, тез орада мадрасадан кетишга мажбур бўлган. Адиб фаолиятини Қўқондаги мадрасада давом эттирган, аммо кўп ўтмай у ерда ҳам уламолар билан келиша олмаганлиги сабабли, Тошкентга қайтиб келган.

Шунингдек, Фазлуллоҳ Алмаий араб тилини ҳам мукаммал билган. Хатто, адиб араб грамматикасига оид “Шархи Мулло” “Авзон ул-жумуъ” (Кўплик вазнлари) номли китоблар ёзган. Баъзи араб мамлакатларида улардан дарслик сифатида фойдаланиб келинган.

Бундан ташқари, адиб шоирлик соҳасида ҳам қалам тебратган бўлиб, хусусан унинг “Ҳаёт”, “Эти”, “Келсангчи”, “Ярашур” сингари шеърларида севги ва вафо, садоқат, яхшилик ва ҳалоллик каби фазилатлар улуғланган.

Алмаий ижодининг энг ёрқин намунаси сифатида таржимонлик соҳасини эътироф этиш лозим. Жумладан, у ҳинд халқи олтин мероси қаторидан ўрин олган “Калила ва Димна” достонини форс тилидан туркий тилга таржима қилишга мушарраф бўлган. Унинг таржимаси “Калила ва Димна туркий” номи остида 1898, 1901, 1913 йилларда 3 маротаба нашр этилган.

Ушбу достон Кашмирда тахминан 1700 йил аввал ёзилган бўлиб, қадимий номи “Панчатантра” (Беш китоб) эди. Ушбу китоб ҳақида ўрта асрларда ижод қилган Марказий Осиёлик мутафаккир Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида тўхталиб ўтиб, “Ҳинд халқи илмнинг жуда кўп тармоқларига ва сон-саноксиз китобларга эга. Уларнинг ҳаммасини қамраб олиш қийин. Лекин шунга қарамай, бизда «Калила ва Димна» номи билан юритиладиган ҳиндларнинг «Панчатантра» китобини таржима қилишни жуда хоҳлар эдим. Бу китобни ҳиндчадан форсчага, форсчадан арабчага ва ундан сўнг бошқа жуда кўп тилларга таржима қилдилар” деган маълумотни қайд этиб ўтганлиги асарнинг қийматини кўрсатиши шубҳасиз.

Мазкур асар дунё дурдоналари сифатида қадрланиши боис, тарихан бир неча бор турли тилларга ўтирилган. Хусусан, асар VI асрда Эрон шоҳи Анушервони Одил (531-579) буйруғи билан Барзоя исмлиқ табиб томонидан пахлавий (қадимий Эрон) тилига таржима қилинган. VIII аср бошларига келиб, араб тилмочи Абдулла ибн ал-Муқаффаъ Барзоя нусҳаси асосида араб тилига таржима қилган. Кейинги даврларда ушбу китобнинг дунёга танилишида мазкур таржиманинг аҳамияти катта бўлган. Бундан ташқари, 932 йилда Рудакий томонидан “Калила ва Димна” номли достон ёзилганлиги турли адабиётларда қайд этиб ўтилган. Шунингдек, 1492 йилда ушбу асарнинг араб тилидан Хусайн Воиз Кошифий томонидан форс тилига таржима қилиниб, “Анвори Сухайлий” номи билан амир Шайх Сухайлийга тақдим этган нусҳаси ҳам фанга маълум. “Калила ва Димна” туркий тилга илк бор XVIII асрда Муҳаммад Бакирий томонидан Шарқий Туркистонда ўтирилган бўлиб, кейинги даврларда қошғарлик Мулла Темур томонидан 1718-1719 йилларда, хоразмлик Муҳаммадниёз томонидан эса, 1837-1838 йилларда бу борадаги ишлар давом эттирилган. Шу аснода, бугунги кунда “Калила ва Димна” асарининг Алмаий таржимаси фанга маълум туркий тилдаги таржималар орасида тўртинчиси сифатида эътироф этилиб келинмоқда. Алмаий таржимасининг бошқа тилдаги таржималардан фарқли томони бу асарнинг ёзилиш тарихини берилишида эди. Шунга асосан, ушбу асар зотан 13 қисмдан иборат бўлса-да, Алмаий таржимасида у 19 қисмни ташкил этди.

Бу даврда ижод қилган яна бир тошкентлик адабиёт намоёндаларидан бири Ҳайбатуллаҳўжа Орифхўжа ўғли бўлиб, у “Хислат” таҳаллуси остида фаолият олиб борган. Хислат 16-17 ёшларида Тошкент шаҳри Кесаққўрғон маҳалласидаги мадрасага ўқишга кириб, араб ва форс тилларини мукаммал ўзлаштирган. Шунингдек, у мустақил равишда ўзбек, озарбайжон, турк, форс ва араб адабиётларини пухта ўрганган.

1908-1909 йилларда Навоий ижодини мутолаа қилиб, “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” дostonларининг соддалаштирилган насрий нусхаларини тайёрлашга мушарраф бўлган ва ўз ҳисобидан нашр эттирган. 1910-1914 йилларда мадрасадоши Сидқий Хондайлиқий билан ҳамкорликда “Армуғони Хислат”, “Ҳидояи Хислат”, “Савғоти Хислат”, “Тухфаи Хислат” каби баёзларини нашр эттирган.

Бу даврда ёзилган “Найларама боғу чаман сайрини жонон бўлмаса...”, “Қандок қилай...”, “Эй ниғорим...”, “Иқлими девона қилган бир пари савдосидур...”, “Ўлдим асиринг, эй ёр...”, “Эй хублар сароси...”, “Оразингму ё гули раъномидур...”, “Эй париваш...” сингари ғазаллари Хислат қаламига мансуб бўлиб, унинг бадиий қурилмасида ҳам, ғоявий йўналишида Бобур, Машраб, айниқса, Навоий ижоди яққол акс этган.

Хислатнинг адабий меросида таржима асарлар ҳам катта ўрин эгаллаган. У Низомийнинг “Лайли ва Мажнун”, Фирдавсийнинг “Шохнома” дostonлари асосида насрлаштирилган “Барзуйи шер”, “Паҳлавони Аҳмад”, Убайд Зоконийнинг “Мушук ва сичқон” асарларини форс тилидан таржима қилган. Бундан ташқари, адиб араб ва форс мумтоз адабиётидаги кичик ёшдаги ўқувчилар учун ёзилган ривоятлар ва масалларни шеърӣ таржима қилиб, “Нон ва ҳалво” номи билан мажмуа битган.

Россия империяси бошқаруви даврида Туркистонда Сирожиддин Сидқий номи билан машҳур адиб илмӣ мероси ҳам кенг қамровлик бўлиб, у 1884 йилда Тошкент уезди таркибидан ўрин олган Хондайлик қишлоғида (ҳозирги Бўстонлиқ туманидаги Искандар шаҳарчаси) дунёга келган.

Адабиётларда қайд этилишича, муаллифнинг оиласи қашшоқ бўлиб, шунга қарамай, унинг отаси Мирзоҳид охунд фарзандининг камоли учун уни Тошкентдаги мадрасада ўқишига барча шароитни яратиб берган. Адиб Тошкентдаги Мажрасаи Раҳматиллоҳ, Бекларбеги, Кўкалдош мадрасаларида таҳсил олиб, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганган.

Таржимонлик соҳасида самарали меҳнат қилиб, машҳур араб дostonи “Минг бир кеча”, Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” сингари асарларни туркий тилга ўгирган.

Мадраса таълимидан сўнг, адиб Тошкентда қолишга аҳд қилган. У ўз мадрасадоши Хислат билан биргаликда ижод қилиб, “Шавкат” “Шеван” (нола, фиғон) тахаллуслари остида 1910 йилларда чоп этилган “Баёзи Ҳазиний”, “Баёзи муҳалло”, “Армуғони Хислат” каби кўпгина тўпламлар ёзилишида ўз ғазал ва ҳажвиялари билан иштирок этган. Ушбу ғазал ва шеърларини жамлаб 1913 йилда “Тухфаи Шавкат”, 1914 йилда “Савғоти Шавкат” китобларини ўз ҳисобидан нашр қилдирган. Лекин, вақт ўтгач, муаллиф барча асарларини “Сидқий” тахаллуси билан қайта чоп эттирган. Хатто, “Девони Сидқий” деб номланган девон тузишга ҳам мушарраф бўлган.

Бундан ташқари, шоир “Муҳораба” (1914), “Рабо(т)чилар намоӣиши ёхуд ватан қаҳрамонлари” (1917), “Тоза ҳуррият” (1917), “Русия инқилоби” (1917) сингари асарлари орқали ўлкада Россия империяси олиб борган мустамлакачилик сиёсатини кескин танқид қилган. Шунингдек, Сидқий асарларининг катта қисми ҳажвия йўналишида бўлиб, унда жамиятда содир бўлган ноҳақликлар устидан қулиш орқали халқнинг кўзини очишга ҳаракат қилинганлиги яққол акс этган. Хусусан, унинг “Дар ҳажви той”, “Николай йўлига сув сепғонларға” каби шеърлари шулар жумласидандир.

Ушбу асарларида адиб маҳаллий қози ва уламоларнинг порахўрлиги, тилёғламалиги устидан ҳажв қилгани боис, улар 1910 йилда Сидқийни ушлаб рус ҳукуматиға топширмоқчи бўладилар. Аммо, шоир дўстлари ёрдами билан Андижонга қочишга мушарраф бўлади. 1912 йилга қадар С. Сидқий Андижонда таржимонлик билан машғул бўлади. Шунингдек, С.Сидқий 1914-1916 йиллардаги Жаҳон урушиға сафарбар қилинган туркистонлик мардикорлик ҳаракатини кескин танқид остиға олиб, “Муҳораба” шеърини битади. Бундан ташқари, унинг 1917 йилда ёзилган “Работчилар намоӣиши”, “Работчилар келиши” каби шеърлари 1916 йилги кўзғолонларға бағишланган эди.

Бу даврда адабиёт усталари билан бир қаторда ҳажвия соҳасида қалам тебратган санъат намоёндалари ҳам XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда кечган

ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни ёритишда катта хизмат қилганлар. Шундай соҳа вакилларида бири, тошкентлик Абдулла фонус бўлиб, у асосан фонус ясаб тирикчилик қилган. Бундан ташқари, у турли ёшдаги кишиларга, қуш ва ҳайвонларга тақлид қилишга устаси фаранг бўлган. Унинг тақлидлари кўпинча Туркистон жамиятидаги мустамлакачилик сиёсатининг аччиқ тарафларини кулги, ҳажв орқали халққа етказиб беришдан иборат бўлган. Шу йўл билан у турмушдаги ноҳақлик ва қусурларни, хурофотни ҳажв қилишга муяссар бўлган.

3. Хулоса:

Туркистон ўлкасида Россия империяси бошқаруви давридаги мустамлакачилик сиёсати бир тарафдан жаҳид маърифатпарварлари асарларида кескин танқид остига олинган бўлса, иккинчи тарафдан ўлкада етишиб чиққан турли адабиёт намоёндалари асарларида бу мавзу долзарб аҳамият касб этган. Бундан ташқари, ҳажв йўли билан ҳам ўлкадаги ижтимоий, сиёсий воқеъликларга маҳаллий аҳоли томонидан муносабат билдирилганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, бу даврда ўлкада дунё дурдоналари қаторидан ўрин олган адабиёт наъмуналарини маҳаллий аҳолига етказиш мақсадида уларни таржима қилиш орқали халқни маърифат йўлига чорлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширишишга муваффақ бўлганликларини кўриш мумкин.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Ўз МА, И-1-жамғарма, 31-рўйхат, 943-йиғмажилд, 28-варақ орқаси (National Archive of Uzbekistan (henceforth: NAUz) f. I-7, op. 31, d. 943, l. the other side of 28.)
2. Ўз МА. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 561-йиғмажилд, 28-варақ. (NAUz f. I-47, op. 1, d. 561, l. 28)
3. Туркистон вилоятининг газети. 72-сон. 1910. (The newspaper “Turkestan viloyatining gazet” No72, 1910.)
4. Қосимов Б. Абдулла Авлоний (Адабий-педагогик портрет). Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 10-бет (Qosimov B. Abdulla Avloniy (Literary-pedagogical portrait). Tashkent: Oqituvchi (publisher). 1979. P.10.)
5. Жумабоев М. Абдулла Авлоний. (Jumaboyev M. Abdulla Avloniy) URL-adress: <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/abdulla-avloniy/?imlo=k>
6. Абдулла Авлоний (1878-1934). Abdulla Avloniy (1878-1934). URL-adress: <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-avloniy/>
7. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) [Масъул муҳаррир: М.М. Ҳайруллаев]. – Тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. 365-бет. (Spiritual stars (famous figures, scholars, writers from Central Asia) [Responsible editor: M.M. Hayrullaev]. – Completed reprint. - Tashkent: A. Qadiri publishing house of the people's heritage, 1999. P. 365)
8. Алимова Д. Жаҳидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида. // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. (Жаҳидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар) давра суҳбати материаллари. – Тошкент, 1998. 5-бет. (Alimova D. Jadidism in the interpretation of a historian of the period of independence. // The history of Uzbekistan: new view (From the jadidizm to national independence) the materials of discussion. – Tashkent, 1998. P.5.)
9. Ҳожи Исмаатуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. – Тошкент: “Шарқ”, 2005. (Khoji Imatullokh Abdullokh. Islamic civilization in Central Asia. – Tashkent: “Sharq”, 2005.)
10. Улуғбек Долимов. Миллат муаллими // «Жаҳон адабиёти», 12-сон. 2016. (Ulugbek Dolimov. The teacher of the nation. // Journal “Jakhon adabiyoti” (World literature). No.12, 2016.)

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 7, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 7, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000